

Муносабат

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЭНГ МУҲИМ ТАЯНЧИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз ёшлари билан навбатдаги учрашувидаги ҳар бир фикри, илгари сурган ҳар бир ташаббуси замирида келажак авлодга бўлган юксак ишонч, уларнинг куч-ғайрати, билимга интилиши ва ташаббускорлигини мамлакат тараққиётининг ҳал қилувчи омилига айлантириш гоёси мужассам.

Бугун дунё шиддат билан ўзгармоқда. Рақобат мезонлари ҳам ўзгарди. Эндиликда давлатларнинг кучи фақат табиий бойликлар ёки ҳудуд кенлиги билан эмас, балки инсон капитали, билим, технология, инновацион тафаккур ва интеллектуал салоҳият билан белгиланмоқда.

Президентимиз учрашувда йигит-қизларнинг ҳаётда муносиб ўрин топиши учун билим, касб ва технологияни энг муҳим таянч сифатида кўрсатди. Айниқса, ҳар йили 500 минг нафар ўғил-қизни замонавий касбларга ўқитишга қаратилган «Келажак билимлари экотизими»ни йўлга қўйиш ташаббуси бу борадаги муҳим ижтимоий ташаббуслардан биридир. Меҳнат бозори тез ўзгараётган бугунги шароитда ёшлар фақат диплом билан чекланиб қолмасдан, амалий кўникма, замонавий касб, рақамли саводхонлик ва ижодий фикрлаш салоҳиятига ҳам эга бўлишлари зарур.

Ҳозир таълим муассасалари олдида турган энг муҳим вазифалардан бири битирувчини диплом билан эмас, аниқ касбий компетенция, амалий тажриба ва ҳаётга тайёрлик орқали жамиятга чиқаришдир. Учрашувда ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, олий таълим муассасаси битирувчисини ишга олган тадбиркорлар учун ёш мутахассисга нисбатан даромад ва ижтимоий солиқнинг бир йил давомида 1 фоиз этиб белгиланиши янги кадрларнинг меҳнат бозорига мослашуви ва иш билан таъминланишига муҳим рағбат бўлиши таъкидланди. Бу ташаббус иш берувчи ва ёш мутахассис ўртасидаги ҳамкорлиқни кучайтиради, битирувчиларнинг эса ўз йўналиши бўйича ишга жойлашиш имкониятини оширади.

Президентимиз томонидан илгари сурилган давлат бошқарувида ёшларга ишончни кучайтириш мақсадида «ТОП-100» дастурининг амалга оширилиши ҳам жуда муҳим вазифадир. Бу дастур иқтидорли, ташаббускор, замонавий фикрлайдиган йигит-қизларни аниқлаш, уларни раҳбарлик лавозимларига тавсия этиш ва кадрлар захирасини шакллантиришга хизмат қилади. Бугун давлат бошқаруви тизимига янгича фикрлайдиган, замонавий технологияларни тушунадиган, халқаро тажрибани ўрганишга тайёр, ватанпарвар ва масъулиятли ёш кадрлар зарур. «ТОП-100» дастури ана шундай иқтидорларни юзгага чиқарадиган муҳим платформа бўлиши шубҳасиз.

Учрашувда ахборот технологиялари ва сунъий интеллект соҳасига қаратилган эътибор ҳам бизни қувонтирди. Бугун сунъий интеллект, рақамли технологиялар, дастурлаш, маълумотлар таҳлили, киберхавфсизлик ва креатив иқтисодиёт дунё тараққиётининг энг тез ривожланаётган йўналишларига айланди. Шу нуқтага назардан, олий ўқув юртларида сунъий интеллект лабораториялари ташкил этилиши, фарзандларимизнинг ушбу имкониятлардан бепул фойдаланиши, «Менинг биринчи компьютерим» дастури орқали эҳтиёжманд оилалардаги ёшларга ёрдам кўрсатилиши мамлакатимизда рақамли тенгликни таъминлашга хизмат қилади.

Айниқса, иқтидорли қизлар учун «Муҳандис қизлар» стипендиясининг таъсис этилиши қизларимизнинг техника, муҳандислик, ахборот технологиялари ва сунъий интеллект соҳаларига қизиқишини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Бугун жамият тараққиётида қизларнинг илмли, касбли, рақобатбардор ва ташаббускор бўлишлари жуда муҳимдир. Президентимиз томонидан қизлар таълими ва касбий ривожланишига қаратилётган эътибор, аввало, оилалар мустаҳкамлиги, жамият маънавияти ва мамлакат келажигига бўлган эътиборнинг ёрқин ифодасидир.


Президентимизнинг «Ёшлар учун яратилаётган имкониятлардан ҳеч бир ўғил-қизимиз четда қолмаслиги керак» деган фикри барчамиз учун амалий дастур бўлиши зарур. Чунки ёшлар сиёсатининг энг муҳим жиҳати унинг қамровдорлиги ва манзиллилигидир. Янги кадрлар билан ишлашда уларнинг қизиқиши, қобилияти, муаммоси ва имкониятини чуқур ўрганиш, уларни аниқ натижага йўналтириш, касбга, илмга, тадбиркорликка, инновацияга ва ижтимоий фаолликка жалб этиш зарур. Таълим муассасалари меҳнат бозори, ишлаб чиқариш, тадбиркорлик субъектлари, АТ парклар, илмий марказлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиқни кучайтириши керак. Шундангина ёшларимиз назорий билим билан бирга ҳаётий тажриба, амалий кўникма ва мустақил фикрлаш салоҳиятига эга бўлади.

Ёшлар билан ишлашда яна бир муҳим вазифа уларнинг ташаббусларини эшитиш ва қўллаб-қувватлашдир. Президент билан мулоқотда ёшларнинг таклиф ва ташаббуслари тинглангани мамлакатимизда навқирон авлод овози кадрланишининг ёрқин намунасидир. Бугун ҳар бир раҳбар улар билан суҳбатлашиши, уларнинг фикрини эшитиши, муаммосига бефарқ бўлмаслиги, ташаббусини амалга оширишга кўмаклашиши керак.

Барчамиз Президентимиз томонидан белгилаб берилган вазифаларни чуқур англаган ҳолда, янада масъулиятли, ташаббускор ва натижадор бўлишимиз зарур. Ҳар бир ёшнинг қалбида Ватанга муҳаббат, билимга интилиш, касбга садоқат, меҳнатсеварлик ва бунёдкорлик туйғусини мустаҳкамлаш бизнинг энг муҳим вазифамиздир. Зеро, Янги Ўзбекистоннинг келажаги билимли, жасур, замонавий фикрлайдиган, миллий қадриятларга содиқ ва дунё билан тенг рақобатлаша оладиган ёшлар қўлидадир.

Баҳром АБДУЛЛАЕВ,

Олий Мажлис Сенатининг Мудоффа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари



ИККИ ХАЛҚ ЎРТАСИДАГИ ДЎСТЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК РАМЗИ

Иссиқкўлда янги санаторий фойдаланишга топширилди

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган эзгу ташаббус асосида ўтган йили Қирғиз Республикасининг Иссиқкўл вилоятида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан жаҳон стандартлари талаблари даражасидаги замонавий «Bo'ston Resort» дам олиш маскани қурилиб, фойдаланишга топширилган эди.

Мана, эндиликда эса, мовий Иссиқкўл жозибаси, табиатнинг бетакрор муъжизасига уйғун ҳудудда яна бир мухташам иншоот – янги санаторий қад ростлади. Жанубий соҳилдаги бу реал воқеалик Янги Ўзбекистонда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилаётган тизимли ислохотларнинг амалий натижасини яна бир бор аяқол намоеъи этди.

Ушбу дам олиш ва соғломлаштириш маскани икки мамлакат ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатлари юксак даражада ривожланиб бораётганининг амалий тасдиғидир. Давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси туфайли кейинги йилларда мустаҳкам ҳамкорлик стратегик тус олди ва биргаликдаги ташаббуслар иқтисодиёт тармоқларининг қўллаб йўналишларини қамраб олмоқда. Биргина мисол. «Bo'ston Resort» лойиҳаси бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон ва Қирғистон ўртасидаги туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш имкониятларини кенгайтди. Шунингдек, энг долзарб ижтимоий масала – ҳудуд инфратўлимасини янада ривожлантириш ва аҳолини иш билан таъминлашга ҳисса қўшмоқда.

Лойиҳанинг иккинчи босқичи доирасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан замонавий, жаҳон стандартлари талабларига тўла жавоб берувчи санаторий барпо этилди. Ушбу маскан узоқ йиллар давомида бутунлай қаровсиз, ташландиқ ҳолатда қолиб кетган эди. Юртбошимиз ташаббуси билан мазкур жой том маънода бўстонга айланиб, бутунлай янгича киёфа касб этди.

Санаторийнинг очилиш маросими Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда икки мамлакат кенг жамоатчилиги иштирокидаги тантанали тадбирга айланди.

– Кайфиятимиз жуда юқори. Туманимизда бундай пансионат ягона. Ўзбек дўстларимиздан жуда миннатдормиз, – деди Қирғиз Республикасининг Тон тумани ҳокими Бахтибек Осмонов. – Бугун икки халқ ўртасидаги дўстлик, ҳамжиҳатлик ва бирлик янада мус-

таҳкамланмоқда. Ҳозирги кунда чегара ҳудудларида қулай шароитлар яратилди. Ҳар томонлама ҳамкорлик янги босқичга кўтарилмоқда.

Бунинг ёрқин мисоли сифатида мана шу гўзал дам олиш маскани ва санаторийни келтириш мумкин. Мазкур лойиҳа туманимиз учун жуда муҳим ҳисобланади. Қурилиш бошланган кундан бугунгача аҳоли, айниқса, ёшлар учун янги иш ўринлари яратилди. Шунингдек, ушбу дам олиш маскани ҳудудга қўшимча инвестиция олиб кирди. Энг муҳими, туризм соҳасига қатъи тўқти берди. Тон тумани аввалдан туристик салоҳияти билан ажралиб турган бўлса-да, эндиликда бундай ташаббуслар сабабли янада ривожланмоқда. Санаторий икки халқ ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик рамизи сифатида баҳоланмоқда.

Бу ердаги ҳар бир манзара дам олувчилар кўзини қувонтиради, қалбларни хаяжонга тўлдиради. Масалан, янги иншоотнинг том қисмида жойлашган терасса, яъни очиқ айвон бир пиёла чой устида Иссиқкўл ва унинг атрофидаги тоғ тизмаларининг бутун кўринишини томоша қилиб, дилкаш суҳбат қуриш учун аини мўлдоир. Бир сўз билан айтганда, дам олувчилар мириқиб ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар яратилган.

Мамлакатимиздан «Bo'ston Resort» санаторийсига келган биринчи дам олувчилар гуруҳи таркиби турли соҳа вакилларидан иборат.

Иссиқкўл бўйидаги ушбу ҳақиқий дурдона денгиз сатҳидан 1610 метрдан ортиқ баландликда жойлашган. 160 ўринга мўлжалланган етти қаватли замонавий санаторий йил давомида узлуқсиз фаолият юритади.

Санаторий асосан юқори нафас йўллари ҳамда асаб тизими касалликларини даволашга ихтисослашган. Бунинг учун бу ерда барча замонавий шароит ва тиббий ускуналар мавжуд.

Хоналар ва яратилган қулайликлар ҳақида ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, уларга, ҳатто, Европанинг айрим санаторийлари ҳам тенг-лаша олмайдди.

– Шундай ажойиб пансионат барпо этилди, энди хорияга боришнинг хожати йўқ, –

деди Қирғиз Республикаси фуқароси Туратбек Андашев. – Санаторий сифатли даволаш хизматларига ҳам эга. Бу ерининг аввалги ҳолати билан бугунгики ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Ушбу маскан икки халққа хизмат қилиши билан бирга, туманимиз ривожига ҳам ҳисса қўшади.

Қурувчилар соғломлаштириш жараёни қулай ва юқори савияда бўлиши учун барча имкониятларни ишга солганлар. Санаторий нафақат халқаро стандартларга тўлиқ жавоб беради, балки қўллаб йўналишларда улардан ҳам устундир.

Лойиҳа фақат квадрат метрлар ёки инвестициялар билан ўлчанмайди. Унинг энг катта қадрияти инсонлар учун яратилган имкониятлардир. Бу сифатли даволаниш, янги иш ўринлари ва икки давлат ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамловчи муҳим қадам бўлди. Буни тадбир иштирокчилари ҳам мамнуният билан таъкидладилар.

– Ўтган йили ҳам улкан бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўлган эдик. Бу йил эса мухташам 7 қаватли санаторийнинг фойдаланишга топширилиши бизни янада қувонтирди, – дейди Давлат, муниципаль муассасалар ва жамоат хизмати қўдимлари касаба уюшмаси Иссиқкўл вилоят кўмитаси раиси Кенжебек Алымбаев. – Санаторийда кўриб ҳавас қиладиган замонавий даволаш шароитлари яратилган. Қабул бўлими, дам олувчиларни қутлиш жойлари, лазер терапияси, умумий даволаш хизматлари ва бошқа қўллаб имкониятлар юқори даражада ташкил этилган. Барчасини кўздан кечириб, бу маскан халқаро даражадаги дам олиш ва соғломлаштириш марказига айланганига амин бўлдим. Фурсатдан фойдаланиб Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга Иссиқкўлда бунёд этилган мана шундай санаторий ва дам олиш маскани учун самимий миннатдорлик билдиришман.

...Қуёш уфқ ортига ботгач, ўрнини ой нури эгаллайди. Унинг ёғдуси Иссиқкўл марваридининг тунги манзарасига янада ўзгача жозоба бағишлайди. Икки мамлакат санаткорларининг муסיқий чиқишлари эса бу гўзал манзарани янада бойитиб, қалбларда унутилмас байрамона кайфият уйғотди. Иссиқкўлнинг жанубий қирғоғида Янги Ўзбекистоннинг улутвор мақсадларига ҳамоҳанг барпо этилган «Bo'ston Resort» санаторийсидан янграган дўстлик, қардошлик, шукроналик, тинчлик-тотувлик шодиёнаси Иссиқкўл осмонида заррин ва рангин мушаклар билан уйғулалди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати раҳбари



Ўзбекистон Республи-
каси Президенти Шавкат
Мирзиёев Грузия Бош
вазир Ираклий Коба-
хидзеннинг таклифига
биноан 2-3 июль кун-
лари давлат ташрифи
билан ушбу мамлакатда
бўлди.

Ташриф давомида:

Тбилиси шаҳрида
Грузия Президенти-
нинг қароргоҳи – Орбе-
лиани саройида Ўзбе-
кистон Республикаси
Президенти Шавкат
Мирзиёевни расмий ку-
тиб олишга бағишлан-
ган тантанали маросим
бўлиб ўтди.

Тбилиси шаҳридаги
Орбелиани саройида Ўз-
бекистон Республикаси
Президенти Шавкат
Мирзиёев ва Грузия Пре-
зиденти Михаил Каве-
лашвилининг музокара-
лари ўтказилди.

Тбилиси шаҳри-
даги тадбирлар доира-
сида Ўзбекистон Респуб-
ликаси Президенти
Шавкат Мирзиёевни
Грузиянинг олий дав-
лат мукофоти – «Олтин
мўйна» ордени билан
тақдирлаш маросими
бўлиб ўтди.

Ўзбекистон – Гру-
зия кўп қиррали муно-
сабатларини ривожлан-
тиришга қўшган улкан
ҳиссаси учун давлати-
миз раҳбарига ушбу му-
кофотни Грузия Пре-
зиденти Михаил Каве-
лашвили топширди.

Ўзбекистон Респуб-
ликаси Президенти
Шавкат Мирзиёев Гру-
зияда давлат ташрифи
доирасида 3 июль куни
Тбилиси шаҳридаги
Қахрамонлар майдо-
нига ташриф буюрди.

Ўзбекистон Респуб-
ликаси Президенти
Шавкат Мирзиёев ва
Грузия Бош вазири
Ираклий Кобахидзе тор
доирада ва икки мамла-
кат расмий делегация-
лари иштирокида музо-
кара ўтказдилар.

Бўлиб ўтган музо-
каралар якунида Ўзбе-
кистон Республикаси
Президенти Шавкат
Мирзиёев ва Грузия Бош
вазир Ираклий Коба-
хидзе Стратегик ше-
риклик муносабатла-
рини ўрнатиш тўғри-
сидаги декларацияни
имзоладилар. Шунинг-
де, делегациялар раҳ-
барлари ҳузурида қатор
икки томонлама ҳуж-
жатлар алмашилди.

Ўзбекистон Прези-
денти Шавкат Мирзиёев
ва Грузия Бош вазири
Ираклий Кобахидзе Тби-
лиси шаҳрида ўзбек
халқининг буюқ фар-
занди, шоир ва мута-
факкир Алишер Навоий
ҳайкалининг тантанали
очилиш маросимида
иштирок этдилар.



Ташриф
таърифлари билан
баъафси танишиш учун
қуйидаги хаволага ўтинг:

Халқаро ҳамкорлик

МУҲИМ МАВЗУДА МУЛОҚОТ

Ўзбекистон ва Туркия касаба уюшмалари вакиллари саноат соҳасида аёллар ижтимоий ҳимоясини таъминлаш юзасидан тажриба алмашишди

Ўзбекистон Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси ҳамда Туркиянинг «Туркметалл» касаба уюшмаси ҳамкорлигида «Саноат тармоғида меҳнат қилаётган хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашда касаба уюшмаларининг роли» мавзусида учрашув ўтказилди.



аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Учрашув давомида мамлакатимизда хотин-қизлар учун муносиб меҳнат шароитлари яратиш, гендер тенгчилигини таъминлаш, меҳнат муҳофазаси, оналик ва болаликни қўллаб-қувватлаш, касбий ривожланиш имкониятларини кенгайтириш ҳамда касаба уюшмаларининг бу борадаги амалий фаолияти ҳақида маълумотлар берилди.

Томонлар ҳар иккала мамлакатда хотин-қизларнинг ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг касбий салоҳиятини ошириш, раҳбарлик лавозимларидаги иштирокини кенгайтириш, меҳнат хавфсизлигини таъминлаш ва ижтимоий шериклини ривожлантириш

юзасидан амалга оширилаётган ишлар бўйича ўзаро тажриба алмашди. Шунингдек, Самарқанд шаҳридаги «СамАвто» МЧЖ ҚҚда ҳам бўлиб, бу жамоада ходин-қизлар учун яратилган меҳнат шароитлари, меҳнат муҳофазаси тизими, ижтимоий-маиший инфратузилма ҳамда касаба уюшма қўмитаси фаолияти билан танишди. Жамоа шартномаси асосида ходимларга, айниқса, хотин-қизларга берилаётган қўшимча ижтимоий кафолатлар ва имтиёзларни юқори баҳоладилар.

Дилдора АЛИМОВА,
Ўзбекистон Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси тармоқ хотин-қизлар кенгаши раиси

Мард бўлиб қоқсанг, эшик очилгуси, Истасанг, йўл сенга равшан бўлгуси.**Фаридиддин Аттор****Анжуман**

ХАВФСИЗ МЕҲНАТ – АСОСИЙ МАҚСАД

сислар меҳнатни муҳофаза қилиш тизимини тўғри ташкил этиш, ходимларни ўқитиш, йўриқномалар тайёрлаш ва иш жойларидаги хавфларни олдиндан аниқлаш тартиблари ҳақида гапирди.

– Соҳада 20 йилдан буён ишлайман, – дейди Тошкент вилояти «Иссиқлик таъминоти» МЧЖ меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича муҳандиси Соҳиб Рустамов. – Ташкилотимиз хавфли ишлаб чиқариш объектлари сирасига кирди ва қарийб 250 нафар ходим меҳнат қилади. Ҳар бир ишчининг ҳаёти ва саломатлиги биз учун муҳим. Баъзан битта кичик эҳтиётсизлик ҳам оғир оқибатларга

сабаб бўлиши мумкин. Шу боис меҳнат хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилиш шарт. Янги қарор эса иш берувчилар масъулиятини янада ошириб, хавфсиз меҳнат муҳитини яратишга қаратилган талабларни кучайтирди.

Анжуманда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиб, меҳнат хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалий тавсиялар билан танишди.

Машраб МИРЗАЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори

Ички туризм

ЁШЛАРНИ ЖИПСЛАШТИРГАН САЁҲАТ

Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ташаббуси билан соҳада меҳнат қилаётган фаол йигит-қизлар учун Самарқанд шаҳрига уюштирилган саёҳат ёшларни миллий қадриятларимизга янада яқинлаштириш, уларнинг қалбига она Ватанга бўлган меҳрни кучайтиришга хизмат қилди.

– Илгари ҳам Самарқандда бўлганман, – дейди Дастурий таъминотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси бош мутахассиси Фаррухбек Рустамбеков. – Аммо бу гал қадим шаҳар тафтини, иншоотларнинг меъморий жиҳатдан ноёб ва улғурчилигини янада теран ҳис қилдим. Фаҳр ва ифтихорга тўлдим. Ўйлайманки, бошқа тенгдошларим кўнглида ҳам шундай туйғулар жўш урди.

– Саёҳат мулоқот майдонига ҳам айланди, – дейди Республика кенгашининг маданий-маърифий

фий ва спорт ишлари бўйича мутахассиси Зухра Исоқова. – Ўз соҳаларига шахдам қадамлар билан кириб келаётган 50 нафар ишчи-ходимлар ўзаро фикр алмашиб, дўстлик алоқаларини йўлга қўйдилар. Жамоавий ҳамкорлик ва тажриба алмашиш имкониятига эга бўлдилар. Келгусида ҳам кенгаш томонидан йигит-қизларнинг касбий ва шахсий ривожланишини қўллаб-қувватлаш, бунга ишчини мазмунли ўтказиш ҳамда маънавий-маърифий тадбирларни мунтазам амалга оширишда давом этамиз.



Саёҳат иштирокчиларда унутилмас таассуротлар қолдириб, уларни келгусида янада фаоллик билан меҳнат қилишга, мамлакатимиз тараққиётига муносиб хисса қўшишга руҳлантирди.

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»

Оромгоҳларда

сирасига кирувчи бой китоблар захирасига эга замонавий кутубхона, энг сўнгги русумдаги кўргазмали воситалар ва жиҳозлар билан таъминланган тўғарак хоналари, турли тадбирларни ўтказишга мўлжалланган ёзги саҳна, замонавий сузиш ҳавзаси, болалар майдончалари, замонавий лойиҳалар асосидаги ётоқ бинолари, барча шарт-шароитлар ва қулайликларга эга бўлган ошхона, ювиниш ва кийиниш, умумий душ хоналари мавжуд. Оромгоҳда ота-оналар учун шинам суҳбат айвончалари ҳам барпо этилган.

Ҳар йили оромгоҳда Навоий конметаллургия комбинати, Навоийўран ҳамда НКМК жамғармаси тизимида меҳнат қилаётган ишчи-ходимларнинг етти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган 1,4 минг нафардан ортиқ фарзандлари ёзги таътилни мазмунли ва мароқли ўтказди. Бунинг учун мазкур корхоналарда фаолият юритаётган ота-оналарга оромгоҳга йўланмалар ажратишда кенг имтиёзлар ва қулайликлар яратилган.

– Оромгоҳда болажонларнинг дам олишини мазмунли ташкил этиш мақсадида 14 кунлик махсус дастур ишлаб чиқилган, – дейди оромгоҳ бош етакчиси Сабоҳат Файзиёва. – Ҳар бир мавсум ва кун алоҳида мавзулар асосида ташкил этилади. Хусусан, «Болалар кулгуси – дунё қувончи» шиори остида ўтган биринчи мавсумда дўстлик, китобхонлик, миллий қадриятлар, спорт, ёнғин хавфсизлиги ва оила мавзулари бағишланган турли маънавий-маърифий ҳамда кўнглоочар тадбирлар ўтказилди. Болаларнинг қизиқишлари ва истакларини инобатга олган ҳолда, рассомчилик, қўлчилик, ҳайкалтарошлик, экодизайн ва интерьер тўғараклари йўлга қўйилган. Шунингдек, турли тақдимотлар, интеллектуал ўйинлар, кўрик-танловлар, концерт дастурлари, шахмат-шашка ва спорт мусобақалари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Фаол иштирок этаётган болаларни муносиб рағбатлантириб борамиз. Асосий мақсадимиз – болаларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш, уларнинг иқтидорини рўёбга чиқариш ва янги дўстлар орттириши учун қулай муҳит яратишдан иборат.

Оромгоҳдаги шароитлар ва яратилган имкониятлар шунини кўрсатадики, бу ерда болаларнинг нафақат дам олиши, балки ҳар томонлама ривожланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соғлом муҳит, сифатли овқатланиш, маданий ва спорт тадбирлари, турли тўғараклар орқали уларнинг қизиқиш ва қобилиятлари қўллаб-қувватланмоқда.

Дилдора КАРИМОВА**Сўранг, жавоб берамиз...**

САВОЛ: Қонунчилигимизга биноан, меҳнат таътилининг энг кам ва энг узоқ муддати қандай белгиланади? Узоқ муддатли таътил кимларга берилади?

Комила МУРОДОВА
Сирдарё вилояти

УЗОҚ МУДДАТЛИ ТАЪТИЛ КИМЛАРГА БЕРИЛАДИ?

ЖАВОБ: Амалдаги қонунчиликка кўра, ҳар йилги асосий энг кам меҳнат таътилининг давомийлиги йигирма бир календарь кун қилиб белгиланган.

Ўттиз календарь кундан иборат асосий узайтирилган таътил ходимнинг ёши ва соғлигининг ҳолати ҳисобга олинган ҳолда, яъни ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга ҳамда I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ходимларга берилади. Шунингдек, давлат ҳокимияти органлари ва республика ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларига давомийлиги йигирма етти календарь кун таътил берилади.

Ҳар йилги асосий узайтирилган таътил айрим тоифадаги ходимларнинг меҳнат ва зифаларининг ўзига хос жиҳатлари ва хусусиятларига ҳамда бошқа ҳолатларга қараб ҳам белгиланиши мумкин.

Қонунчиликда кўрсатилганлардан ташқари, ҳар йилги асосий узайтирилган таътил бериш ва унинг давомийлигини қўлайитириш жамоа келишувларида, шунингдек, жамоа шартномасида, ички ҳужжатларда, меҳнат шартномасида назарда тутилади. Меҳнат кодексига ходимларга ҳар йилги қўшимча таътиллари бериш ҳам кўзда тутилган. Жумладан, қўшимча таътиллари меҳнат шароитлари ноқулай ишларда, табиий иқлими оғир шароитларда банд ишчиларга, битта ташкилотда ёки тармоқда кўп йиллик иш стажига эга ходимларга берилиши мумкин.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

Касаба уюшмаси аралашгач...

УСТАМАЛАР ЎЗ ВАҚТИДА ТЎЛАНАДИ

Тез тиббий ёрдам ходимлари энг оғир ва масъулиятли вазифани бажарадиган касб эгалари ҳисобланади. Улар туну кун, ҳар қандай ҳолатда ҳам чакирувга шай туришади. Инсон ҳаёти учун курашади, шошилиш вазиётларда биринчи бўлиб, ёрдамга етиб келади. Аммо баъзан уларнинг меҳнати муносиб баҳоланмайдиган. Шунинг оқибатида Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Наманган вилояти кенгаши бир гуруҳ тез тиббий ёрдам реанимация бригадаси фельдшерлари манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга даъво-ариза киритди. Бунга эса Республика тез тиббий ёрдам маркази Наманган вилояти филиалида фаолият юритаётган ходимларга қонунчиликда назарда тутилган 25 фоизлик устама ҳақ бир неча йил давомида тўланмагани сабаб бўлган.

Суд жараёнида фельдшерлар ўз меҳнат шароитлари ҳақида батафсил маълумот беришди. Жумладан, суқкалаб навбатчилик қилишлари, оғир аҳволдаги беморларга шошилиш ёрдам кўрсатишларини, кўп ҳолларда инсон ҳаёти учун курашишлари ва юқори хавф шароитида фаолият юритишларини таъкидлашди.

Вазирлар Маҳкамасининг 276-сонли қарорига мувофиқ, соғлиқ учун ўта хавфли ва меҳнат шароитлари оғир бўлган айрим бўлинмалар ходимларига 25 фоизлик устама ҳақ тўланиши белгиланган. Тез тиббий ёрдам реанимация бригадаси фельдшерлари ҳам айни шу тоифага мансуб.

Суд томонидан соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли буйруқлари ўрганилди. Уларда анестезиология ва реанимация хизмати вазифалари тез тиббий ёрдам реанимация бригадалари томонидан бажарилиши қайд этилгани ушбу ходимлар устама олиш ҳуқуқига эга эканликларини тасдиқлади. Шунингдек, меҳнат шароитлари бўйича давлат экспертизаси ҳулосаларида ҳам тез тиббий ёрдам хизматидаги қатор иш ўринларида оғир ва хавфли меҳнат шароити мавжудлиги қайд этилди. Натижада суд касаба уюшмаси даъвосини қаноатлантирди. Шу тариқа иш берувчидан саккиз нафар фельдшер фойдасига 2022 йил ноябрь ойидан бошлаб ҳисобланган, аммо тўланмай келинган устама маблағлари – ҳар бирига 6 миллион сўмдан 27 миллион сўмгача, жами 134 миллион 333 минг сўм ундирилиши белгиланди. Айни чоғда, келгусида мазкур устамаларни ўз вақтида тўлаб бориш мажбурияти юклатилди.

Абдурашид РАЖАВОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори



«КЕЛАЖАК»ДА ЁЗ ЎТМОҚДА СОЗ


Самарқанд вилоятининг сўлим Ургут тумани тоғлари бағрида, гўзал ва мафтункор табиат кўйида 8,3 гектарлик майдонни эгаллаган «Келажак» болалар соғломлаштириш оромгоҳи қад ростлаган.

Бу оромгоҳ қарийб олти йилдан буён неча-неча авлод вакиллари-нинг сеvimли маскани сифатида фаолият юритиб келмоқда. Бир вақтлар унда мазмунли дам олган болаларнинг айримлари бугун кексалик гаштини сураётгани ҳам унинг бой тарих ва анъаналарга эга эканидан далолат беради. Йиллар ўтса-да, оромгоҳ ўзининг файзли муҳити, бетақдор табиати ва болалар учун яратилган қулай шарт-шароитлари билан қадрини йўқотгани йўқ. Унинг худудига қадам қўйган ҳар қандай меҳмонни, аввало, табиатнинг гўзал манзараси қарши олади. Баланг ва серсода дарахтар, атрофни безаб турган ранг-баранг гуллар, покиза ва саранжом худуд инсон қалбига илқ таассурот уйғотади. Худуддаги тартиб-интизом ва орасталик бир қарашдаёқ кўзга ташланади.

– Бу йилги ёзги мавсумга пухта тайёргарлик қўрилди, – дейди оромгоҳ директори Шухратжон Бобоқулов. – Биринчи мавсумда 356 нафар болани қабул қилдик. Ҳар бир сменада болажонларга бош тарбиячи, ёрдамчи тарбиячи, тар-

биячи, етакчи, спорт йўриқчиси, сузиш инструктори, мусиқачи, кутубхоначи, тўғарак раҳбарлари, шифокор ва ҳамширалар иборат масбулар бириктирилган. Оромгоҳда болаларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришини таъминлашда педагогик жамоанинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Таълим-тарбия, маданий-маърифий йўналишдаги ишларни самарали ташкил этиш ва фаолият олиб бориш учун болалар билан ишлашда муайян малакага эга, тажрибали 45 нафар педагог, тарбиячи, етакчи ва тўғарак раҳбарлари танлаб олинган эди. Улар ҳар бир боланинг қизиқишлари ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда иш олиб боришмоқда.

Кейинги йилларда Навоий конметаллургия комбинати ҳамда Касаба уюшмаси кенгаши кўмағида амалга оширилган кенг қўламли қурилиш ва обodonлаштириш ишлари натижасида оромгоҳ мутлақо янги ҳаёт касб этди. Бугун бу маскан замонавий инфратузилмага эга сўлим гўшага айланган. Барча қулайликларга эга маданият ва маърифат хонаси, ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдоналари



Тенглик ҳукм сурган жойда сотқин,
алдамчи эҳтирослар, ғам-ғусса бўлмайди.
Абу Райҳон Беруний



ЎТТИЗ ЕТТИ ЙИЛДА ИККИ БАРОБАР КЎПАЙИШ

рўйхатга олиш натижалари
нимадан дарак бермоқда?

Яқинда аҳолини рўйхатга олиш бўйича расмий маълумотлар эълон қилинди. Унинг дастлабки натижаларига кўра, Ўзбекистон аҳолиси 39 047 321 нафарни ташкил этган. Жорий статистик ҳисоб-китоблар бўйича ушбу кўрсаткич 38 236 704 нафар эди. Фарқ 810,6 минг нафарни ташкил қилди. Шунингдек, аҳоли сони 1989 йилдаги рўйхатга олиш натижаларига нисбатан икки баробарга ошгани маълум қилинди. Шубҳасиз, Ўзбекистон Марказий Осиёда аҳоли сони бўйича етакчи бўлиб қолмоқда.

Хўш, аҳолининг ёшлиги ва кўплиги мамлакатга қандай имкониятлар тақдим этади? Ўзбек халқи азалдан болажон бўлса-да, туғилиш бўйича рекордлар ва ўсишнинг асосий қисми сўнгги ўн йилликларга тўғри келмоқда. 2016 йилларгача бироз пасайиш кузатилди ва яна вазият яхшиланди. Ҳозирга келиб, аҳолининг 60 фоиздан ортиғи ёшлар саналади. Меҳнатга лаёқатлилар улушида ҳам Ўзбекистон ўзига хос имкониятларга эга. Энг аввало, демографик ўсиш меҳнат бозорига кадрлар етишмовчилигини ҳал қилади ва ишчи кучига талабни қондиради. Маълумотларга қара, ҳар йили 800 мингдан зиёд ёшлар меҳнат бозорига кириб келишади. Яъни Ўзбекистон инсон капитали борасида беқиёс имкониятларга эга. Мамлакатда яқин йилларда ҳам ривожланган давлатларга ишчи кучи экспорт қилиш учун кучли потенциал мавжуд. Аҳолининг тез кўпайиб бориши ресурслар борасида муаммоларни вужудга келтирса-да, иқтисодий жиҳатдан ижобий омил саналади. Масалан, аҳолиси камайиб бораётган Европа, Хитой, Япония ва бошқа худудларда қатор муаммолар бўй кўрсатмоқда.

Сўнгги йилларда халқроқ тизим бир вақтнинг ўзида кўпплаб хавфсизлик инқирозларига дуч келмоқда. Россия — Украина уруши, Яқин Шарқда давом этаётган беқарорлик, АҚШ — Исроил — Эрон ўртасидаги можаролар, Хитойнинг юксалиши ҳамда Ҳинд — Тинч океани минтақасидаги стратегик рақобатнинг кучайиши жаҳон даражасидаги қуцлар мувозанатини қайта шакллантирмоқда.

Дунё миқёсида қуцлар тақсимоти келажагига оид ноаниқлик халқроқ муносабатларда башорат қилиш имкониятини пасайтириб, стратегик ноаниқликни ҳар қачонгидан кучайтирмоқда. Айниқса, АҚШ бир вақтнинг ўзида Россия, Хитой ва Эрон каби давлатлар билан турли йўналишларда рақобатланишига мажбур бўлаётгани НАТОнинг келажагига оид бахсларни янада жонлантирди. Шу нуқтага назардан қараганда, 7-8 июль кўнлари Анқара шаҳрида бўлиб ўтадиган Шимолий Атлантика шартномаси ташкилотининг 36-саммити нафақат Альянс хавфсизлик сиёсатини, балки Европа мудофаа архитектураси ва трансатланitik муносабатлар келажагини муҳокама қилиш учун ҳам муҳим майдонга айланади. Совуқ уруш йилларида НАТО Ғарб хавфсизлик тизимининг асосий устунларидан бири сифатида фаолият юритди. Совет Иттифоқи парчалангач, Альянс аҳамиятини йўқотади деган тахминлар ўзини оқламади. Аксинча, НАТО Шарқий Европа, Болкон ва Болтиқбўйи давлатлари ҳисобига кенгайиб, Варшава шартномасига аъзо талай мамлакатларни сафига қабул қилди. Бироқ Россиянинг 2008 йилда Грузияга қарши уруши, 2014 йили Қримни аннексия қилиши ва 2022 йилда Украинага қарши кенг қўламли ҳарбий ҳаракатларни бошлаши Европа хавфсизлигида янги даврни бошлаб берди. Бу воқеалар НАТОнинг тийиб туриш салоҳияти, мудофаа ҳаражатларини тақсимлаш ва Европанинг ҳарбий имкониятларини қайта баҳолаш заруратини юзага келтирди.

ХАВФСИЗЛИК ТАҲДИДЛАРИ ВА МУДОФАА ХАРАЖАТЛАРИ

Совуқ уруш даврида ҳам, Совет Иттифоқи тарқаб кетгандан кейин ҳам НАТОнинг тийиб туриш сиёсати Европа мудофаа архитектурасининг асосий устунларидан бири бўлиб келди. Альянснинг жамоавий мудофаа салоҳияти туфайли Европа давлатлари Совет Иттифоқи, кейинчалик эса Россия билан тўғридан-тўғри ҳарбий тўқнашувга кирмасдан хавфсизлигини таъминлаш имконига эга бўлди.

НАТО ТРАНСФОРМАЦИЯСИ ВА ЕВРОПА ХАВФСИЗЛИГИНИНГ КЕЛАЖАГИ

НАТО эндигина ташкил топган пайтда унинг асосий тамойили Совет Иттифоқидан келадиган таҳдидга қарши жамоавий мудофаа концепцияси эди. Альянс совуқ уруш йилларида АҚШ раҳбарлигида Ғарб дунёсининг асосий ҳарбий ташкилоти сифатида Европа хавфсизлигининг таянчига айланди. Иттифок парчалангач, НАТОнинг келажаги савол

ошган, солиқ тўловчилар (ёшлар) сони эса кам. Шу сабабли Япония дунёдаги энг катта давлат қарзига эга мамлакатлардан биридир (ЯИМга нисбатан 260 фоиздан ортиқ).

Ўзбекистонга эса юқоридаги муаммолар бегона. Бизда миллионлаб меҳнаткаш ва бақувват қўллар бор, фақат уларни иш билан таъминлайдиган ақли тадбиркорлик лойиҳалари кўпайтирилса, бас.

Рўйхатга олишнинг энг эътиборга молик томонларидан бири аҳолининг миллий таркиби, ўзбек тилида гапирувчилар улуши ва хорижга кетганлар сони бўлди. Аҳолининг 34,9 миллиони ёки қарийб 90 фоизи ўзини ўзбек дея ҳисоблашини айтган. Иккинчи ўринда тожиклар (1,2 миллиондан зиёд), кейинги ўринларда қорақалпоқ ва қозоқлар (ҳар бири 700-800 минг киши атрофида) жойлашган. Балки рақамларда бироз тафовут ва англашилмовчиликлар бўлиши мумкин, аммо ҳақиқатда реал картина бундан ўзгача эмас. Чунки Ўзбекистонни тарқ этаётганлар орасида бошқа миллат вакиллари кўпроқ, шунингдек, ўзбеклар орасида табиий кўпайиш юқори. Яна бир қизиқ томони, Ўзбекистон аҳолисининг 91 фоизи ўз сўзлашув тилини ўзбекча дея кўрсатган. Бу ҳам муҳим омил саналади.

Миллий статистика тақдим этган яна бир маълумот таҳлил қилишга арзийди: аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирининг дастлабки натижаларига кўра, рўйхатга олиш санасида доимий яшаш жойида вақтинча бўлмаган аҳоли сони қарийб 2,1 млн. нафарни ташкил этди. Шундан 1 366 730 нафари ёки 65,4 фоизи эркаклар, 724 223 нафари ёки 34,6 фоизи аёллар ҳиссасига тўғри келган. Улардан 1,6 миллиони ишлаш мақсадида, 329 минг киши эса ўқиш учун кетган.

Албатта, бу рақамлар Ўзбекистон аҳолисининг фақат 2 миллиондан ошиғи хорижда экан деган статистикани акс эттирмайди. Масалан, рўйхатга олиш қиш фаслида амалга оширилди. Ушбу фаслда Россия ва бошқа ўлкаларда вақтинча ишловчи аҳоли Ўзбекистонга қайтиб келади. Ёки рўйхатда акс этмаганлар, хорижда ноқонуний бўлиб турганлар ва бошқаларни қўшса, рақамлар сони янада ошса керак. Хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ватандошларимиз сони, албатта бироз баҳслидек кўринади.

Нима бўлганда ҳам, рўйхатга олиш натижаларини ижобий ва кўнгилли десак бўлади. Аҳолининг кўпайиб боришидан ижобий фойдаланиш тараққиётга сабаб бўлади. Масалан, аҳолининг кўплиги ва, айниқса, инсон капиталининг тўғри шакллантирилиши Хитойнинг «иқтисодий мўъжизаси» ва дунёнинг иккинчи рақамли иқтисодиётига айланишидаги энг асосий драйвер бўлган. Миллионлаб қишлоқ аҳолиси шаҳарларга, саноат зоналарига оқиб келди. Бу трансмилий компаниялар (Apple, Nike, бор барча йирик брендлар) учун арзон ишчи кучи базасини яратди. Инсон ресурсининг кўплиги Хитойга жуда қисқа вақт ичида глобал ишлаб чиқариш марказига айланиш имконини берди. Мамлакат STEM (фан, технология, муҳандислик ва математика) соҳаларига ургу берди. Бутунги кунда Хитой йилига дунёда энг кўп муҳандис ва АТ-мутахассисларни етиштириб чиқараётган давлатдир. Хитой тараққиёт йўли аҳолиси кўпайиб бораётган ва ёш давлат Ўзбекистонга яхши ўрнак бўла олади.

Аброр ЗОҲИДОВ
«ISHONCH»

Таҳлил

Халқимизда «Ўзбек пул топса, тўй қилади» деган гап бор. Унинг замирида юртдошларимизнинг меҳмондўстлиги, саховати ва қувончини бошқалар билан бирга баҳам кўришга бўлган иштиёқи мужассамлашган. Чунки тўй-маъракалар аспрлар оша оилаларни, қариндош-уруғларни, маҳалла ва қўни-қўшниларни бирлаштириб келган. Бироқ бу гўзал анъана охириги пайтларда чегарасидан анча четга чиқиб кетган, тўй-маъросимлар асл маъно-маъмунини бирмунча йўқотиб, кимўзар пойғасига айланиб қолганди.

Шу боис ҳукуматимизнинг тўйларни ихчамлаштириш ҳақидаги қарори ижросини таъминлаш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар белгиланди. Афсус, баъзи кишилар улардан ўзлари учун тегishли хулоса чиқариб олишмаяпти. Ён-атрофимизга назар ташласак, кўпчиликнинг ўй-хаёлида ҳамон қотиб қолган эски савол айланаётгандек туюлади: «Одамлар нима дейди?» Гўёки ҳаётимизда муҳим саналган қарорлар ўз хоҳишимиз, имкониятимиз ёки эҳтиёжимиз билан эмас, ўзгалар фикри билан белгиланади. Шунданми, тўй қилмоқчи бўлсак, одамлар уни мақташини истаймиз. Уйимизни жиҳозласак, қўшниларникидан кам бўлмаслигини хоҳлаймиз. Кийим олсак, кўпчилик ҳавас қиладиганларини танлаймиз.

Албатта, бой бўлиш айб эмас. Қолаверса, бойлик одоб либосини кийса, янада чиройли бўлади. Борди-ю, бу либос ечилса, дабдаба ўзини маданият деб кўрсатишга уринади. Яқинда Ургутда ҳам шундай бўлди. Тўй соҳиби саҳнада таниқли хонанданинг бошидан пул «ёмғири»ни ёғдирди. Пул ҳавода учди, аммо у билан бирга қадриятлар ҳам шамолта совурилмадимикан, деган савол кўпчиликнинг хаёлидан ўтди. Алялокибат ижтимоий тармоқлар ушбу тўй ҳақидаги шов-шув, баҳс ва танқидлар билан тўлиб тошди.

Ҳурмат билан ҳашамат ўртасида жуда нозик чизиқ бор. У босиб ўтилганда, эҳтиром кўз-кўз қилишга, саховат эса намоийшга айланади. Хонанданинг боши узра сочилган пуллар бир лаҳзалик ҳайрат уйғотиши

Мулоҳаза

ОРТИҚЧА ДАБДАБАЛАРДАН ҚАЧОН ВОЗ КЕЧАМИЗ?

мумкин, айни чоғда, халқ хотирасида бачкана қилиқ сифатида муҳрланиб қолиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Энг ачинарлиси, биз бундай манзарага илк бор дуч келаётганимиз йўқ. Орамизда дастурхон қандай безатилганини, залнинг ялтироқлигини, санъаткорнинг «гонорари» ва ҳавога сочилган пулларни одам қадридан ҳам устун қўювчилар бор. Ҳолбуки, ўша маблағларни бир неча ёшнинг таълим олиши, уй-жойли бўлиши ёки тадбиркорлик қилиши учун ажратishi ҳам мумкин эди. Лекин гоҳида ақл бир четда қолиб, ҳою ҳавас тўрға чиқади.

– Тўй бир кунлик, ҳаёт эса бир умрлик. Бир кунлик олқишга эришиш учун йиллар оша тўланадиган қарз олиш, кўз-кўз қилиш учун қадр-қимматни қурбон бериш қайси мантиққа тўғри келади? Ахир тўйнинг файзи сочилган пулларда эмас, қилинган дуода, оқ фотиҳада ва элнинг салимий розилигида-ку! Чунки инсонни бойлик эмас, уни қандай сарфлаши улуглайди. Таъбир жоиз бўлса, пулнинг жарангидан кўра, тарбиянинг садоси узоқроқ эшитилади, – дейди Қўшрабoт туманидаги Қоратош маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдуҳалил Қўлдошев. – Шу боис ушбу масалани бoт-бoт ўйлаб қўришга тўғри келмоқда. Беҳуда сарфланаётган маблағларни ёшлар келажакига ёки оилавий эҳтиёжларига йўналтирсак, узоқ вақт наф қўришимиз мумкин. Афсуски, ҳозир бу пуллар кўпинча бир кунлик тўйда ўзини қўрсатиш учун сарфланади. Эртага меҳмонлар кетади, мақтовлар унутилади, қарз ва ташвишлар эса қолаверади.

Оқсоқол ҳақ. Барчани бирдек рози қилишнинг иложи йўқ. Устига-устак, тўйга сиздан кўпроқ пул сарфлайдиганлар ҳам топилади. Қарабсизки, кеча сизни мактагандлар эртага уларни мақташади. Оқибатда сизнинг дабдабали тўйингиз эртага бўладиган янада каттароғининг соясида қолиб кетади. Демак, одамлар берган баҳога таяниб яшаш нияҳаси йўқ пойгага чиқиш билан баробардир.

Бундай ҳолатлар фақат тўйларда эмас, бошқа вазиятларда ҳам кузатилади. Масалан, қўшнимиз янги машина олса ёки бирор танишимиз қимматбаҳо жиҳоз харид қилса, биз ҳам қараб турмаймиз. Ҳатто сармоямиз етмаса ҳам, ўзимизни мажбурлаймиз. Натижада ҳаётимизни эҳтиёж эмас, таққослаш бошқара бошлайди.

Аслида инсоннинг қадри сарфлаган пули билан эмас, қандай яшагани билан ўлчанади. Ақли расо киши имкониятини тўғри баҳолайди. Пулини бошқалар эътиборини қозониш учун эмас, ҳаётий эҳтиёжи учун ишлатади. Бой бўлса ҳам ортиқча исрофгарчиликка йўл қўймайди, камбағал бўлса, елкасига қўшимча юк олмайди. Чунки фаровонлик дабдабада эмас, хотиржамлиқда эканлигини яхши биледи.

Шубҳасиз, жамият тараққиёти ана шундай зукко инсонлар кўпайишига боғлиқ. Агар ҳар бир оила ўз имкониятига қараб яшаса, «ноўрин мусобақа»лардан воз кечса, қанчадан-қанча маблағлардан эзгу мақсадларда фойдаланиш имкони туғилади. Чунончи, ота-оналар йиллар мобайнида йиққан маблағини бир кунлик шодиёнага эмас, фарзандлари келажак учун сарфлар, айрим ёш оилалар қарзсиз ҳаёт кечирарди.

Албатта, бу билан биз халқимизнинг азалий урф-одатларидан воз кечиш керак демуқчи эмасмиз. Майли, тўй бўлсин, меҳмон қақирилсин, қариндошлар йиғилсин. Аммо ҳамма нарасда бўлгани сингари хурсандчиликнинг ҳам меъёри бўлиши керак. Энг муҳими, тўйнинг қадри унинг нархи ёки дастурхоннинг тўкин-сочинлигида эмас, ниятларнинг поклигида ва дуоларнинг холислигидадир. Келин-куёё ёҳуд суннат тўйи бўлаётган бомакайнинг бахти эса залнинг мухташамлиги ёки либосларнинг ноёблиги билан эмас, оилавий тотувлик ва ўзаро ҳурмат билан белгиланади.

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»

НАТО саммити олдида

СТРАТЕГИК НОАНИҚЛИК, ХАВФСИЗЛИК ИНҚИРОЗЛАРИ

остида қолган бўлса-да, Альянс тарқалиб кетиш ўрнига кенгайиш стратегиясини танлади. Варшава шартномасига аъзо бир қанча давлатлар НАТОга қабул қилиниб, Шарқий Европа томон кенгайди. Бу жараён Европа Иттифоқининг кенгайиш сиёсати билан ҳамохан тарзда амалга оширилди. Аммо 2000 йиллардан эътиборан Россиянинг қайта кучайиши ва Хитойнинг глобал миқёсда юксалиши халқроқ тизимда янги қуцлар мувозанатини юзага келтирди. Айниқса, Россиянинг 2008, 2014 ва 2022 йиллардаги амаллари НАТОни ўз хавфсизлик стратегияларини қайта кўриб чиқишга мажбур қилди.

Бутунги кунда НАТО олдида турган асосий масалалардан бири тобора кўпаяётган мудофаа ҳаражатларини қандай тақсимлашдир. АҚШ узоқ йиллардан бери Европа иттифокчиридан мудофаа учун кўпроқ маблағ ажратишини талаб қилиб келмоқда. Вашингтон НАТОнинг ҳарбий салоҳиятини мустаҳкамлаш учун молиявий юкламани оширишини талаб этаётган бир пайтда, Европа давлатлари АҚШнинг келажакдаги хавфсизлик мажбуриятлари қай даражада сақланиб қолиши борасидаги ноаниқликлардан хавотирда. Шунга кўра, Анқара саммитида НАТОнинг мудофаа ҳаражатлари, Россияни тийиб қўйиш сиёсати, Хитойнинг юксалиши ҳамда Альянснинг келгуси стратегик йўналиши каби долзарб масалалар муҳокама қилинадиган асосий мавзулар бўлиши кутилмоқда.

ТУРКИЯ – ЕВРОПА ИТТИФОҚИ МУНОСАБАТЛАРИ

Европа хавфсизлиги ҳақидаги бахсларни Туркиянинг Европа Иттифоқи билан муносабатларидан айро ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Кейинги йилларда Россиядан келаётган хавфсизлик таҳдидлари сабабли Европа Иттифоқи давлатлари мудофаа соҳасидаги ҳамкорлиқни кучайтиришга интиломоқда. Бу жараён эса Туркиянинг ролини яна бир бор кун тартибига олиб қичди.

Туркия ривожланаётган мудофаа саноати, кучли ҳарбий салоҳияти ва геосиёсий жойлашуви сабабли Европа хавф-

сизлиги учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга давлат саналади. Лекин унинг Европа Иттифоқига қўшилиш жараёни тўхтаб қолгани, Божхона иттифоқини янгилаш бўйича музокара-лар олдинга силжимагани ва вазисиз режим масаласида ҳам ижобий натижага эришилмагани томонлар ўртасидаги тизимли муаммолар сакланиб қолаётганини англатади.

Россиянинг Украинага қарши уруши туфайли юзага келган янги хавфсизлик муҳити Европанинг Туркияга бўлган стратегик эҳтиёжини янада аққол намоён этди. Европа давлатлари бир томондан Туркиянинг хавфсизлик соҳасидаги ҳиссасини юқори баҳоласалар, иккинчи томондан сиёсий масалалардаги келишмовчиликлар сакланиб қолмоқда. Бу эса Европа мудофаа архитектурасида муайян қарама-қаршиликларни вужудга келтирмоқда.

Келгусида Европа Туркияга фақат хавфсизлик бўйича ҳамкор, стратегик шерик ёки ҳамкорлик қилиш лозим бўлган муҳим геосиёсий актор сифатида қарайдини-йўқми, бу масала Туркия – Европа Иттифоқи ҳамда Туркия – НАТО муносабатларининг келажагини белгилаб берувчи асосий омиллардан бири бўлади.

САММИТ КҮН ТАРТИБИ

Халқроқ тизимда рўй бераётган туб ўзгаришлар ва трансформациялар НАТО келажагига оид ноаниқликларни янада кучайтирмоқда, дедик. Бу эса Альянснинг стратегик мослашуви ва институционал самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиб, уни кўп қиррали стратегик муаммоларга рўбарў қилмоқда. Альянс ичидаги келишмовчиликларга доир бахслар тобора кучаймоқда.

Бутун биз Анқара НАТО саммитида қабул қилинадиган асосий сиёсий қарорлар орасида АҚШ ва Европа давлатларининг аввалги хавфсизлик ва қўлайлик муҳитидан воз кечишга тайёр эмаслиги, мудофаа ҳаражатларини ким ва қандай улушда молиялаштириши, Россия – ҳўкраина уруши, Хитойнинг юксалиши, Яқин Шарқдаги уруш ва инқирозларга тааллуқлилари ҳам бор, дея тахмин қила олишимиз мумкин.

Аброр ХОН

